



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG`ONA VILOYATI
O`ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

“01” iyun 2021 yil

Yaupan shahri 386 - sonli

Ўзбекистон туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини ўз кучини йўқотган деб топниш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив - ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон туман ҳокимлиги Матбуот хизмати (Д.Жабборов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Сатторов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш. Юлдашев

**Ўзбекистон туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2017 йил 29 декабрдаги 2033-сонли “Туманда 2017-2018 йил қиш ва баҳор ойларида аҳоли эҳтиёжини кафолатли ва тизимли таъминлаш мақсадида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини захирага жамғариш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

2. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2017 йил 17 октябрдаги 1650-сонли “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги қарори;

3. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2018 йил 28 сентябрдаги 2479/1-сонли “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги қарори;

4. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2019 йил 30 январдаги 345-сонли “Ўзбекистон тумани маҳаллий бюджетининг 2019 йилги параметрлари тўғрисида”ги қарори;

5. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2019 йил 16 февралдаги 616-сонли “Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори;

6. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2019 йил 30 сентябрдаги 5480-сонли “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида”ги қарори;

7. Ўзбекистон туман ҳокимининг 2019 йил 14 октябрдаги 5677-сонли “Ўзбекистон тумани 4р-154 “Қўқон-Яйпан-Исфара” автомобиль йўлининг Яйпан шаҳар А.Навоий-Ғалаба кўчалари кесишган чорраҳасига светофор ўрнатиш ҳақида”ги қарори